

---

**“Шунқор” маҳалласига 2 дона трансформатор пункти ўрнатилиши натижасида 200 дан зиёд хонадон ва маҳалладаги тадбиркорлар сифатли электр энергияси билан таъминланди**  
Фурқат тумани "Шунқор" маҳалласидаги истеъмолчиларнинг электр тармоқлари янгиланмоқда.

Шу кунга қадар ҳудудга 61 дона янги темир-бетон таянчлари ўрнатилиб, 1,6 км узунликда янги электр узатиш тармоғи қуриб битказилди.

Лойиҳа асосида Янги обод кўчасидаги трансформатор пунктига қўшимча қуввати 160 кВт бўлган янги трансформатор пункти ўрнатилди. Натижада 100 дан зиёд хонадон сифатли электр энергияси билан таъминланди.

Бундан ташқари ўтган йили "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 1 босқичида Гузар, Бодомзор, Ўрикзор кўчаларининг 960 метр қисми асфальтланди. "Наврўз" кўчасига 1 дона 160 кВт трансформатор пункти ўрнатилиши натижасида 160 та хонадон сифатли электр энергияси билан таъминланди. Жараённинг 2 босқичида Гузар, Янги обод, Бодомзор, Наврўз кўчаларининг 2 км қисми асфальтланади.

Маҳаллада электр таъминотидаги ўзгаришлар натижасида нафақат аҳоли балки ҳудуддаги тадбиркорлар учун ҳам қулай шароитлар яратилмоқда.

2023-02-28 17:18:37